

**ТКТИ Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори  
Х.Л.Пулатовнинг 27-30 ноябрь кунлари Париж шаҳрида ўтказилган  
2-Ўзбекистон-Франция таълим форуми доирасида амалга оширилган  
ишлари тўғрисида  
ХИСОБОТ**

27-ноябрь куни 2-Ўзбекистон-Франция таълим форумининг очилиш маросимида ва ялпи мажлисида иштирок этилди. Бунда дунёдан 500 дан ортиқ ОТМ вакиллари иштирок этишди.

Шунингдек, 28 ноябрь куни “Ўзбекистон талабаларни Францияда ўқитишни йўлга қўйиш, имкониятлар ва муаммолар” мавзусида инглиз тилида маъруза қилинди. Франциянинг бир неча нуфузли ОТМ лари билан ҳамкорлик йўналишлари бўйича музокара олиб борилди.

**Рене кимё олий мактаби (L’Ecol Natioanal Superiere Chemie de Rennes) ENSCR институти** билан илгари имзоланган Англашув меморандуми доирасида ҳамкорликни амалга ошириш бўйича йўл харитаси ишлаб чиқилди. Бунда

- 1) Талабалар алмашинуви тизимини ривожлантириш.
- 2) ТКТИ профессор-ўқитувчилари ходимлари ва талабаларининг мақолалари, маърузалари ва бошқа илмий материалларини ҳамкор университетнинг даврий нашрларида чоп этиш.
- 3) Профессор-ўқитувчилар ва изланувчилар алмашинувини ташкил этиш
- 4) Тошкент кимё-технология институтида Рене кимё олий мактаби билан ҳамкорликда халқаро конференция ташкил этиш.
- 5) Тошкент кимё-технология институтида нашр этиладиган илмий журналлар таҳрир хайъатига Франциядаги етакчи университетларнинг таниқли профессор-ўқитувчиларини жалб этиш.
- 6) Ҳамкорликда қўшма илмий лойиҳаларни тайёрлаш каби масалалар муҳокама қилинди.









